

Қумқўрғон туманида барча маҳаллаларда ҳашар ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди



Ҳашарда тумандаги корхона ва ташкилот ходимлари, фуқаролар ва ёшлар фаол иштирок этишди.

Кўчалар, йўл атрофлари, аҳоли тураржойлари, қабристонлар, масжидлар, стадионлар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини ободонлаштириш, чиқиндилардан тозалаш ишлари олиб борилмоқда

Ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг яшаш жойларини ободонлаштириш, таъмирлаш ишларига амалий кўмаклашилмоқда.